



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Тажибаяв Муҳиддин Абдурашидович
фалсафа фанлари доктори(PhD)
Жиззах политехника институти
в.б доценти
muxiddintajibayev2024@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада сунъий интеллектнинг ривож топиши ҳамда унга Ўзбекистон қаратилаётган эътибор, шу соҳада амалга оширилаётган ислохатлар, йўналишга доир қонун ва қарорларнинг мазмуни ва моҳияти, Ўзбекистонда сунъий интеллект соҳасини янада ривожлантиришдаги муаммолар ва ечимлар тўғрисида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Сунъий интеллект, “Artificial Intelligence” (“Сунъий тафаккур”), Рақамли технологиялар, “MyID”, «Рақамли Ўзбекистон-2030», “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”, Идентификациялаш ягона тизими, Электрон ҳукумат тизими маълумотлар базаси.

Кириш

Илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараккий этиб бораётган бугунги шароитда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, саноат, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, муҳофаза, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш урфга кирмоқда.

Сунъий интеллект AI (Artificial intelligence)-инсоннинг билим ва кўникмаларига тақлид қилиш имконини берувчи (шу жумладан, мустақил равишда ўрганиш ва ечимларни излаш) ҳамда аниқ вазифаларни бажаришда инсон ақлий фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни олиш имконини берадиган технологик ечимлар мажмуи ҳисобланади.

Материаллар ва усуллар

“Сунъий интеллект” атамаси 1956 йилга келиб пайдо бўлди. Шу йилнинг ёзида АҚШнинг Дартмут университетидан сунъий тафаккур масалалари бўйича анжуман бўлиб ўтди. Унда Клод Шеннон (Bell Laboratories) Натаниел Рочестер (IBM), Герберт Саймон (Карнеги университети, Тренчард Мур (Принстон университети), Жон Маккарти (Дартмут университети), Марвин Мински (Гарвард университети) каби олимлар иштирок этган.

Ушбу анжуманда маъруза қилган америкалик информатика соҳасидаги олим Жон Маккарти (1927–2011) “Artificial Intelligence” (“Сунъий тафаккур”) атамаси муаллифи сифатида тарихга ном қолдирди.

XX асрнинг 80-йиллари сунъий интеллект – кашфиёт дея эътироф этила бошлади. Олимлар ушбу йўналишда дарсликлар ишлаб чиқа бошладилар.

Шунингдек, 1997 йилда шахмат бўйича Жаҳон чемпиони Гарри Каспаровни мағлубиятга учратган машҳур шахмат дастури – “Deep Blue”⁷ яратилди. Шу йилларда Японияда нейрон тармоқлари асосида 6-авлод компьютер лойиҳаси ишлаб чиқиляётган эди. Шундан сўнг сунъий интеллектга эътибор кучайди. Йирик компаниялардан тортиб то ҳарбий муассасаларгача мазкур соҳани молиялаштира бошлади. Натижада янги технологиялар сони ошиб, рақобат кучайди, сунъий интеллект воситалари мукамаллашиб борди.

Хўш, бу борада Ўзбекистон нималар қилмоқда? Ўзбекистонда ҳам ахборотлаштириш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали 2030 йилга қадар инновацион тараккий этган етакчи давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Натижалар

Мамлакатимизда сунъий интеллект технологиялари ривожланишининг жорий ҳолати ҳақида қуйидаги фактларни келтириш мумкин, жумладан, сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»⁸ги ПҚ-4996-сон қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга мувофиқ, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб 15 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект технологияларининг иқтисодиёт тармоқлари ҳамда давлат бошқаруви тизимида амалий қўлланиши бўйича курслар ва фанлар жорий этилди. 2023-2024 ўқув йилидан бошлаб

⁷ [https://en.wikipedia.org/wiki/Deep_Blue_\(chess_computer\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Deep_Blue_(chess_computer))

⁸ <https://lex.uz/docs/5297046>

«Сунъий интеллект» йўналишида кадрлар тайёрлаш учун 12 та олий таълим муассасасига 572 нафар талаба (510 нафар бакалавр, 62 нафар магистратура) ўқишга қабул қилинди; 2024-2025 ўқув йилидан бошлаб 14 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект технологиялари бўйича курслар ва фанлар жорий этилди. «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан «Сунъий интеллект» йўналиши бўйича таълим олиш истагини билдирган ёшлар етакчи хорижий олий таълим муассасаларига юборилди. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида ихтисослашган лабораторияларга эга Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар портали фаолияти доирасида сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотдан фойдаланиш учун давлат органлари маълумотлари ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформаси (data.egov.uz) ишга туширилди. Қарор доирасида қишлоқ хўжалиги, банк, молия, транспорт, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, энергетика, солиқ ва бошқа устувор тармоқ ва соҳаларда сунъий интеллектни жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳалари амалга оширилди. Шунингдек, Рақамли технологиялар вазирлиги қошида Сунъий интеллект технологиялари илмий тадқиқот институти ташкил қилинди. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги давлат ахборот тизимларини ишлаб чиқариш ва қўллаб-қувватлаш ягона интегратори – UZINFOCOM. Ушбу ташкилот ёрдамида “Мухлиса” овозли тизими ва “MyID” ишлаб чиқилди. MyID тизимидан 70 дан ортиқ идора ва ташкилотларнинг 10 миллиондан ортиқ фойдаланувчилари бор. “Мухлиса” овозли ёрдамчисидан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган BYD автомобилларда фойдаланиш бўйича келишув имзоланган.

Муҳокама

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»⁹ги ПҚ-358-сон Қарори тасдиқланган. Қарорга кўра, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш, шунингдек, «Рақамли Ўзбекистон-2030»¹⁰ стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш белгилаб олинди.

Жумладан, сунъий интеллект асосида яратилган дастурий махсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш;

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш;

сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини 10 тага етказиш ҳамда юқори қувватли ҳисоблаш серверларини ишга тушириш;

Ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида (Government AI Readiness Index) Ўзбекистон Республикасининг биринчи 50 та ўриндаги давлатлар қаторига киришига эришиш;

сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, соҳада стандартларни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш;

маълумотларни қайта ишлаш ҳамда сунъий интеллектга асосланган лойиҳаларни ишга тушириш учун техник инфратузилма яратиш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида мазкур йўналишдаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш;

сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш, кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹¹ги қароридан кўзда тутилган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”¹² ахборот тизимида ҳам замонавий технологиялар қатори сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим. Маълумки, эндиликда ижтимоий нафақаларни тайинлаш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ва уларни тайинлаш тартиб-таомиллари “ягона реестр” воситасида амалга оширилади. “Электрон ҳукумат” тизимининг таркибий қисми сифатида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” идоралараро интеграцион платформа вазифасини бажариб, тегишли идоралар томонидан таъминланган маълумотлар базасини сунъий интеллект технологияси орқали юритиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирда мавжуд маълумотлар манбаларидан сунъий интеллект маълумотлар базасини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш мумкин. Жумладан:

Идентификациялаш ягона тизими – (id.gov.uz)¹³;

Ўзбекистон Республикаси очiq маълумотлар портали – (data.gov.uz)¹⁴; Электрон ҳукумат тизими маълумотлар базаси – (my.gov.uz)¹⁵;

⁹ <https://lex.uz/uz/docs/7158604>

¹⁰ <https://lex.uz/docs/5030957>

¹¹ <https://lex.uz/ru/docs/4930653?ONDATE=21.11.2024>

¹² <https://my.gov.uz/uz/service/587>

¹³ <https://my.gov.uz/uz/pages/oneid-about?new=0>

¹⁴ <https://gov.uz/uz/imv/pages/ochiq-malumatlar-portali>

¹⁵ <https://my.gov.uz/uz>



Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси – (davxizmat.uz)¹⁶; турли вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базаси шулар жумласидандир.

Маълумки, сунъий интеллектни ижтимоий ва бошқа соҳаларга жорий қилишда шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги, уларни сақлаш ва бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ахлоқий жиҳатлари, айниқса, АҚШ, Буюк Британия, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва етакчи халқаро ташкилотлар диққат марказида бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва шахсий маълумотлар масаласи ҳамда сунъий интеллектдан сиёсий ва бузғунчи мақсадларда фойдаланиш хавфи долзарб ҳисобланади. Айрим давлатлар, хусусан, Хитой ва Россияда сунъий интеллект ва АКТдан фуқаролар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ва сиёсий мақсадларида фойдаланилмоқда, деган айбловлар янграмоқда. Шунинг учун сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда бу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Хулосалар

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки ҳозирга кунда Ўзбекистонда сунъий интеллект ривожига тўсик бўлаётган бир нечта муаммолар бартараф этилса, бу соҳада ишлар анча юксалар эди. Масалан уларга, сунъий интеллект мактабларини ривожлантиришда университетларда амалий ишларни амалга оширувчи лабораториялар ташкил этиш кераклиги, талабалар ўрганган билимларини амалий бажариб кўришмаса, соҳада ривожланиш бўлмайди. Бунинг учун кучли ва янги компьютерлар, НРС (High performance computing)¹⁷, соддарок айтилса суперкомпьютерлар, яхши мебел ва бир маромда электр энергияси бўлиши керак ҳамда уларни илмий доирага текинга ёки жуда арзон нархга фойдаланиш учун ажратиш лозим. Университет ва институтларнинг ўзида шундай сунъий интеллект лабораториялари бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

¹⁶ <https://gov.uz/uz/adliya/sections/davlat-xizmatlari-markazlari-haqida-ma-lumotlar>

¹⁷ <https://cloud.google.com/discover/what-is-high-performance-computing>